

**ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ СУГУРТАСИ БЎЙИЧА ИЖТИМОИЙ
НАФАҚАЛАР ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ**

Д.Шолдаров
ТДИУ “Бюджет ҳисоби ва газначилик иши”
кафедраси мудири *PhD, проф.*

Дунёда мавжуд мамлакатларнинг барчаси ўз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш учун ижтимоий суғурта тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини турлича босиб ўтмоқда¹, лекин, ушбу тизимнинг ривожланишга қўйилган талаблари бир хиллиги билан уларнинг юзага келадиган муаммолари ва ҳал этиш ёндошувлари турли даражадалиги билан фарқланади. Ижтимоий суғурта тизими бу давлатларнинг ижтимоий сиёсатида ажралмас қисм бўлиб қолади. “Ижтимоий суғурта тизимининг ривожланиши мамлакат аҳолисига мақсадли ҳимоя механизmlарини тақдим этади ва бу асосда ижтимоий-иктисодий ҳамда молиявий барқарорликни таъминлага хизмат қилади, жамият орасида ижтимоий аҳиллик ва бирдамликни таъминлайди”². Хозирги шиддат билан ривожланаётган дунёда бир-бирини таркибий қисми, молиялаштиришнинг хар ҳил билан ҳам фарқланувчи ижтимоий суғурта тизимлари фаолият юритмоқда.

Ижтимоий суғурта тизимини амалга ошириш учун албатта маълум даражада молиявий ресурслар зарурати пайдо бўлади. Шунинг учун ижтимоий жамғармалар ҳар қандай иқтисодий механизмнинг ажралмас қисми бўлади. Маълумки, аҳолининг муҳтоҷ қатламларини ҳимоялаш мақсадида даромадларни муайян тартибда қайта тақсимлаш зарурати келиб чиқади. Бундай қайта тақсимлашнинг молиявий воситаси ижтимоий жамғармалар орқали амал қилади. Ижтимоий жамғармалар эса, ўз навбатида, давлат ёки нодавлат шаклида бўлиши мумкин. Ижтимоий жамғармаларнинг шакллари ўртасидаги нисбат кўп омилларга, энг аввало, иқтисодий ривожланишнинг миллий моделига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий жамғармалар ҳам ҳар қандай пул маблағлари жамғармаси сингари молиявий муносабатлар тизимига киради ва муайян молиявий мазмунга эга бўлади. Айтиш жоизки, жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида молиявий тизимни ижтимоий жамғармалар мажмуйисиз тавсифлаб бўлмайди, уларнинг аксарияти устувор йўналишларда муҳим ўрин тутади. Бошқа томондан эса уларнинг ташкил этилишидан асосий мақсад фойда олишдан иборат бўлмайди.

“Ижтимоий суғурта иккита асосий вазифани ҳал қилишга, биринчидан, ходимларнинг меҳнатга лаёқатлилигини тиклаш ва сақлаш, шу жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш ва унинг хавфсиз шарт-

¹ <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=20557462>

² <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=20557462>

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

шароитларини таъминлаш бўйича профилактика ва реабилитатсия чораларини амалга оширишга, иккинчидан, меҳнатга лаёқатлигини йўқотган ёки унга эга бўлмаган шахсларнинг моддий таъминланганлигини кафолатловчи чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган”³.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий таъминотдан фойдаланиш хуқуқини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ ижтимоий суғурта орқали ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаб бериш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-кувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 7 мартағи ПФ-87-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 25 июлдаги ПФ-175-сон Фармонлари қабул қилинди. Унга мувофиқ, ходимнинг фарзанди туғилгунга қадар минимал истеъмол харажатларининг 4 баравари миқдорида нафақа тўланиши, нафақа ҳомиладорлик ва туғиш бўйича меҳнатга лаёқатсизлик ва рақаси тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Тиббиёт» ахборот тизимидан олинган электрон маълумотлар асосида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ягона реестр» АТ) томонидан фуқароларнинг мурожаатларисиз «проактив шакл»да тайинланиши ва тўланиши, «Ягона реестр» АТ томонидан АТ «Халқ банки»га тақдим этилган нафақа бўйича тўлов рўйхатлари асосида Жамғармадан зарур маблағларнинг мазкур банкка ўтказилиши ҳамда банк ва унинг бўлимлари томонидан нафақа олувчиларнинг банк пластик карталарига ёки нақд пул кўринишида тўлаб берилиши белгилаб ўтилган⁴.

Ижтимоий суғурта жамғармаси — иқтисодиёт ва молия вазирлигига юридик шахс мақомига эга бўлмаган Давлат бюджети ҳамда бошқа маблағлар ҳисобидан шакллантириладиган жамғарма ҳисобланади.

Нафақа олувчи — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги юридик шахсда меҳнат шартномасига асосан охирги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёл ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда, хусусан, Германияда ижтимоий ҳимоя тизими ижтимоий суғурта асосида ташкил этилган бўлиб, ишчиларни бундай риск туридан суғуртавий ҳимоя қилиш ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурталаш тизими институтлари томонидан амалга оширилади. Мазкур институтлар томонидан ишлаб чиқаришда жароҳатланганларга, нафақат, компенсация тўланади, балки даволаш ва реабилитация хизматлари ташкил этилишида кўмаклашади. Буюк Британияда ишчиларни бундай ижтимоий рисклардан ҳимоялаш хусусий суғурта асосида ташкил этиладиган корпоратив суғурта тизимига

³ <http://ivo.garant.ru/#/document/57736662>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги “Давлат ижтимоий суғурта тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 515-сон Қарори.

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

таянилади. Касб касалларни бўйича сұғурта товони соғлиқни сақлаш тизими орқали давлат бюджетидан тўлаб берилади⁵.

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметаси келгуси йилда келиб тушиши кутилаётган маблағлар прогнози ҳамда жорий йилда ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари бўйича харажатларнинг кутилаётган ижросидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Келгуси йилга манбалар ва харажат йўналишлари бўйича Жамғарма даромадлари ва харажатларининг прогнозлари иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади. Жамғарма маблағлари ҳисобидан харажатлар иқтисодиёт ва молия вазирлигининг масъул департаменти директори томонидан тасдиқланган ҳамда рўйхатдан ўtkazilgan даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари

Хорижий ва халқаро молия институтлари ҳамда бошқа хорижий дононларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари

Қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар

1-расм. Ижтимоий сұғурта жамғармаси маблағлари⁶

Нафақани тайинлаш тартиби белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси нафақани тайинлаш ва тўлаш учун асос бўлади. Мехнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштирилган кундан бошлаб 5 иш куни ичидаги маълумотлар ҳудудий амбулатор-поликлиниканинг ёки туғруқхона муассасасининг масъул ходими томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Тиббиёт» ахборот тизимига киритилади. «Тиббиёт» АТ томонидан маълумотлар «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлар асосида автоматик тарзда текширилади. Нафақа олувчининг

⁵ Фаниев Ш. Хайдаров А. “Ижтимоий сұғуртани ривожлантириш – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг мухим омили”. Международный научный журнал. «Новости образования: исследование в XXI веке». № 15, часть 1 2023 й

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги “Давлат ижтимоий сұғурта тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 515-сон Қарори.

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

охирги 6 ой давомидаги узлуксиз иш стажини ҳисоблашда, «ЯММТ» ИДАҚдаги бюджет ташкилотларидан ташқари юридик шахсларда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштирилган кунга қадар 6 ой узлуксиз иш стажи инобатга олинади.

Нафақа тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан пул маблағларини беғараз тарзда тўлаш, аниқ мақсадга йўналтирилган пул маблағларидир. Уларнинг айримларини турли сабаблар билан даромад манбанини мавжуд эмаслиги туфайли белгиланса, бошқалари фуқароларни эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида тайинланади. Биринчи ҳолдаги нафақаларга вақтинчалик ишга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, ишсизлик ва бошқа шу каби ҳолатлар бўйича тўланадига нафақалар киради. Иккинчи турга аёллар ва болаларга бир марталик тўловлар, болаларни парваришилаш билан банд бўлган оиласларга тўланадиган нафақа, дағн маросими учун тўланадиган нафақа ва мақсадига кўра бошқа тўловлар киради.

Аҳолининг ижтимоий суғурта механизmlари билан қамраб олинишини кенгайтириш, кам таъминланган оиласларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш ва ногиронлиги бўлган шахсларни моддий қўллаб-қувватлашдан иборат бўлган устувор йўналишлар, хусусан, ижтимоий суғурта тизимида ягона давлат сиёсатини юритиши, меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий суғурта тизимига жалб қилиш бўйича рағбатлантирувчи механизmlарни жорий қилиш, ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлашни таклиф қиласиз. Натижада, давлат томонидан аҳолини манзилли ҳимоя қилиш таъминланган, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш тартиби такомиллаштирилган ва мазкур соҳага илғор халқаро стандартларга асосланган янги бошқарув тизими жорий этилади.

Адабиётлар:

1. Рахимов, М. Ю., & Рузмаматов, А. К. (2024). Янги лойиҳалар бошқарувидаги иқтисодий дастакларни такомиллаштириш. *World scientific research journal*, 23(2), 362-375.
2. Raximov, M. Y. (2015). Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O 'quv qo'llanma. T.: "Iqtisod-moliya."
3. Klichev, B. (2024, февраль 23). Inson kapitalini rivojlantirishda ishchilar harakati tahlili. Ilm-fan taraqqiyotida mintaqaviy iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag'allikni qisqartirish, Farg'ona, O'zbekiston. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10901976>
4. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023..
5. Қличев, Б. (2021, май 21). Махсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>
6. Сагдиллаева, З. А., & Файзиев, У. Ш. (2023). АНАЛИЗ И ОЦЕНКА ФИНАНСОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ. In *Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития* (pp. 201-207).
7. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>
8. Рахимов, М. Ю., Мавланов, Н. Н., & Каландарова, Н. Н. (2022). Экономический анализ. Учебник. Т.:«Экономика-Финансы».

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

9. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. *Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari.* <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>
10. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting", Issue 2, April 2023.*
11. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларини жорий этиш. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>
12. Сагдиллаева, З., Чориев, И., Максмудов, А., & Юлдашева, Ю. (2007). Экономический анализ.
13. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). Ишчилар қўнимсизлиги таҳлили. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>
14. Pardayevich, K. B. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of new century innovations*, 6(1), 67-79
15. [У.А. Нурманов. \(2024\). ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИДА БОШҚАРИШ ФУНКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 26\(3\), 140–147. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3257](#)
16. Choriev I.X. Auditorlik faoliyatida tahliliy amallarni takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent:, «Iqtisod-moliya»nashriyoti, 2021, - 21-26 b.
17. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услугубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting", Issue 1, February 2023.*
18. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting", Issue 2, April 2023.*
19. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI).Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587-4593.- URL:<https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4494>
20. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 4 (2024), 754–759
21. Қличев, Б. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҦБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343>
22. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>
23. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3251>
24. Tulaev, M. (2024). Moliyaviy hisobot konsepsiyalari. *Nordic_Press*, 2(0002).
25. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

26. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишилаб чиқарии ҳажми таҳлилини тақомиллаштириши масалалари. *Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики*, 1(01), 170–173.
<https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
27. Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari, Konferensiya to'plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>
28. Yakupbaevich, I. J. ., Abrarovich, Y. J. ., Akhtamovich, H. S. ., & Bekmurodova. (2023). COMMERCIAL BANKING, CREDIT OPERATIONS, PROVISION OF COLLATERAL, ASSESSMENT MECHANISMS. *FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIYA JURNALI / JOURNAL OF SCIENCE, EDUCATION, CULTURE AND INNOVATION*, 2(4), 6–13. Retrieved from <https://mudarrisziyo.uz/index.php/innovatsiya/article/view/251>
29. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишилаб чиқарии ҳажми таҳлилини тақомиллаштириши масалалари. *Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises*. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>
30. Abdullayev, A., & Djamatov, H. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF THE INTERNAL CONTROL SERVICE FOR THE FULFILLMENT OF TAX OBLIGATIONS OF ENTERPRISES. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 8(4), 297-307.
31. Худоёров О.О. (2023). Банк тизимини рақамлаштириш шароитида рақамли банк технологияларини жорий қилиш . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 99–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>
32. Xudoyorov, O. O. (2023). Bank daromadlarini oshirishda masofaviy bank xizmatlarini tutgan o 'rni.
33. Odilovich, K. O. (2024). IMPACT OF REMOTE BANKING SERVICES ON BANK INCOME. *International Journal of Education, Social Science & Humanities*, 12(6), 82-86.
34. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591. <https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>
35. Majidov, J. K. (2019). Ways of improving management of credit portfolio at commercial banks. *International Journal of Research in Social Sciences*, 9(3), 725-736.
36. Мажидов Ж. (2024). Тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. (2024). *Ustozlar Uchun*, 1(4), 1463-1467. <https://pedagoglar.org/index.php/02/article/view/3878>